

## Ўзбекистонда долларнинг расмий курси яна оширилди

Ўзбекистон Марказий банки хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан янги қийматларини эълон қилди. Бу ҳақда Марказий банк маълумотига таяниб kun.uz хабар берди.

Ўзбекистон Марказий банки 2014 йил 3 июнидан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан янги қийматларини белгилади.



Унга кўра, 1 АҚШ доллари 2 минг 300 сўм 43 тийинга тенг қилиб белгиланган. 27 майдаги курс (2 минг 296 сўм 43 тийин) билан таққослаганда, 1 АҚШ доллари 4 сўм 14 тийинга, 2014 йил 1 январдаги ҳолат (2 минг 202 сўм 20 тийин) билан таққослаганда, 98 сўм 37 тийинга қимматлаган.

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хорижий валюталарни ўзи белгиланган қийматда сотиш ва сотиб олиш мажбуриятини олмаган. Ўзбекистон Президентининг 30 январда имзолаган жисмоний шахсларга валюта сотиш тартибини янада либераллаштириш тўғрисидаги Қарорига кўра, Ўзбекистоннинг ваколатли банклари айнан Марказий банк белгиланган курс бўйича нақдсиз хорижий валютани сотишлари керак.

**ЎХХ ахборот бўлими**



## ЎЗБЕКИСТОНДА 1 ИЮНДАН БОШЛАБ МДХ ДАВЛАТЛАРИ АВТОМОБИЛЛАРИ ОЛДИ-СОТДИСИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТЎХТАТИЛДИ

Ўзбекистон Адлия вазирлиги ўз қарори билан республика бўйлаб барча нотариал контораларга жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб МДХ давлатларида ишлаб чиқарилган автомобиллар олди-сотдисини тўхтатиб туришни тавсия қилди. Бу ҳақда «Новый Век» газетаси тарқатган маълумотга таяниб sa-news.org хабар берди.

«Новый Век» нашрининг ёзишича, бир ой амал қилиши белгиланган ушбу тавсия олди-сотди битимларини нотариал расмийлаштиришдаги тўловлар микдорини аниқлаштириш жараёни билан боғлиқ.

Бугунги кунгача МДХ давлатларида ишлаб чиқарилган автомобилларни нотариал расмийлаштиришдаги давлат божини ўзимизда ишлаб чиқарилган ўзбек автомобилларига қўйилган бож билан бир хил эди.

2013 йил декабрь ойида Ўзбекистон МДХ эркин савдо ҳудуди тўғрисидаги битимни ратификация қилганидан сўнг ставка паритетлари тўғрисидаги мазкур қоида бекор қилинди.

Ўзбекистондаги автосалонлар вакиллари ва россия авто ишлаб чиқарувчилари дилерларининг билдиришича, мавжуд вазият ҳозирча уларнинг савдо ҳажмларига таъсир қилганича йўқ. Уларнинг фикрига кўра давлат божлари микдорининг оширилиши олиб келинаётган автомобилларга нисбатан нархларни шакллантиришга таъсир қилмайди.

2014 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Россия Федерациясидан автомобил импорт қилишдаги аксиз солиғини 5 % дан 2 % га туширди. Бироқ, республика ҳудудига Россия Федерацияси ва Украинада ишлаб чиқарилган янги автомобилларни сотиб олганлик ва вақтинчалик олиб кирганлик учун автомобил қийматининг 3% ни ташкил қилувчи Республика йўл жамғармаси йиғини қайтадан жорий қилинди.

Бу билан нархларнинг ошишига таъсир қилувчи омиллар ўзгармасдан қолди.

**ЎХХ ахборот бўлими**



Россия ИИВ экстремизмга қарш курашиш Бош бошқармаси ходимлари томонидан Москва шаҳридаги “Садовод” бозори худудида босқинчилик билан шуғулланувчи Ўзбекистонликлардан иборат жиноий гуруҳни қўлга олишди. Бу ҳақда 2 июнь куни Россия ИИВ матбуот хизмати хабар тарқатди

Россия тезкор ходимларининг маълумот беришича, гуруҳ аъзолари ноқонуний йўллар билан қўлга киритилган маблағларни ноқонуний қуролли уюшмаларни молиялаштириш мақсадида жанговар ҳаракатлар бораётган худудларга жўнатиб туришган.

## Ўзбекистонликлар Москвада инкассаторларга ҳужум қилишди

Қўлга олинганлар орасида – 33-40 ёш оралиғидаги тўртта Ўзбекистонлик ва Озарбайжонлик шахслар бор. 22 май куни полицияга пойтахтнинг “Садовод” бозори туманида пул ташувчи инкассаторларнинг босқинчилик ҳужумига учрагани тўғрисида маълумот келиб тушган. Натижада иккита инкассатор тан жароҳати олган ва беш миллион рубль микдоридаги пул ўғирлаб кетилган.

Олиб борилган тезкор-кидирув тадбирлари давомида маълум бўлишича, мазкур жиноятни амалга оширган шахслар фуқароларга босқинчилик ҳужумларини уюштириш ва Шимолий-Кавказ федерал округида фаолият олиб бораётган босқинчи гуруҳларга ёрдам бериш мақсадида Доғистон Республикасидан келишган.

Мазкур маълумотни аниқлаштириш мақсадида

Доғистон Республикаси бўйича экстремизмга қарши курашиш Маркази билан ҳамкорлик амалга оширилган.

Бундан ташқари, суриштирув ишлари натижасида қўлга олинган гуруҳ аъзоларининг босқинчиликни амалга оширишда қўлланилган жиноят қуроллари транспорт воситалари мусодара қилинган.

Содир бўлган жиноят факти бўйича жиноий иш қўзғатилган ва уларга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш шаклидаги мажбурлов чораларини танлаш масаласи ҳал қилинмоқда.

Ҳозирда қўлга олинганларнинг ноқонуний алоқаларини ҳамда уларнинг бу каби оғир ва ўта оғир жиноятларга алоқадорлиги билан боғлиқ қўшимча фактларни аниқлаштиришга йўналтирилган тадбирлар давом этмоқда.

UZBEK.FM

## Тошкентда автобус ИИВ тўсинига бориб урилди

21-30 май кунлари давомида «Тошшаҳартрансхизмат» компанияси тизимидаги корхоналарнинг ҳайдовчилари иштирокида учта йўл-транспорт ҳодисаси содир этилди. Бу ҳақда «Пойтахт транспорти» газетаси хабар бермоқда, деб ёзади kpn.uz.

22 май, пайшанба куни соат 14:00ларда «3-автобус саройи» ҳайдовчиси Mercedes-Benz Sпeсtо Low Floor русумли, сарой рақами 209-бўлган автобусини 82-йўналишда Келес йўли кўчаси бўйлаб бошқариб бораётиб, «Премиум» кафеси қаршисидаги бекатда тўхтаб турганида «Скутер» мотороллери автобус орқасидан келиб урилган.

Натижада «Скутер» мотороллери ҳайдовчиси тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилган.

22 май, пайшанба куни соат 14:15ларда «4-автобус саройи» ҳайдовчиси Mercedes-Benz Sпeсtо Low Floor русумли, сарой рақами 353-бўлган автобусини 57-йўналишда Афросиёб кўчаси бўйлаб Шароф Рашидов кўчаси томонга бошқариб бораётиб, чорраҳадан ўтаётганида ҳайдовчининг тўсатдан саломатлиги ёмонлашиб, хушидан кетиши натижасида бошқарувни йўқотган. Шундан сўнг автобус тўғри

йўналиш бўйича ҳаракатланиб, Ўзбекистон ИИВ худудини ўраб турган панжарага келиб урилган. Натижада автобус ҳайдовчиси ва йўловчиси тан жароҳатлари олиб, уларга шифохонада тиббий ёрдам кўрсатилган.

22 май, пайшанба куни соат 16:30ларда «7-автокорхона» ҳайдовчиси Isuzu русумли, сарой рақами 446-бўлган автобусини Кичик халқа йўли бўйлаб бошқариб бораётиб, Бунёдор кўчаси билан кесишган чорраҳада пиёда уриб юборган. Натижада пиёда тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилган.

Компания тизимидаги корхоналар ҳайдовчилари томонидан ҳафта давомида 61 маротаба йўл ҳаракати қоидалари бузилишига йўл қўйилган.

Жумладан, 1та ишдан кейин транспорт воситасини белгиланмаган жойда сақлаш, 5та йўл белгилари ва чизикларига риоя қилмаслик ҳолати, 5та тезликни меъёридан ошириш ҳолати, 5та қўл телефонидан фойдаланиш ҳолати, 2та одам ташиш қоидасини бузиш, 22та пиёдалар ўтиш жойидан юриш, 3та қизил чироқда ҳаракатланиш ва 18та бошқа қоидабузарликлар содир этилган.

UZBEK.FM

## Ўзбекистонда 1 июлдан био-паспортсиз темирйўл чиптаси сотилмайди

2014 йил 1 июлдан бошлаб темирйўл чипталарини сотиш ва расмийлаштириш, шунингдек, Ўзбекистон фуқароларининг темирйўл транспортдан фойдаланган ҳолда хорижга чиқиши фақатгина биометрик паспорт асосида амалга оширилади. Бу ҳақда, 29 май куни «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ҳузуридаги «Ўзтемирйўлийўловчи» компанияси сайтида хабар берилди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 6 февралда имзоланган, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқишини тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисидаги қароридан — хорижга авиация ёки темирйўл орқали чиқмоқчи бўлган ўзбекистонликларда биометрик паспорт бўлмаса, 1 июлдан бошлаб уларга авиа ва темирйўл чипталари сотилмаслиги белгиланган.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистонда аҳолига биометрик паспорт бериш жараёни 2011 йил 1 январдан бошланган бўлиб, жараён 2015 йил охиригача якунланиши керак.

ЎХХ ахборот бўлими



## Ўзбекистон фуқароси Малайзияда қатл этилиши мумкин

Ўзбекистон фуқароси қиймати RM 2,73 млн. рингитлик (тахминан 850 минг АҚШ долларига тенг) гиёҳвандлик воситаларини Малайзияга олиб кирмоқчи бўлганида Куала-Лумпур халқаро аэропортида қўлга олинди. Бу ҳақда thestar.com.my хабар берди.

Аэропорт божхона назорати директори Датук Чик Омар Чик Лим маълум қилишича, 50 ёшли киши Тошкентдан Малайзия пойтахтига ўчиб келган. Унинг юкини сканердан ўтказиш чоғида шубҳали буюмлар кўзга ташланган. Шундан сўнг юklarининг барчасини пухталиқ билан текширишганда Ўзбекистон фуқароси юклари орасидан қиймати RM 2,73 млн. рингитлик (тахминан 850 минг АҚШ долларига тенг) ичи метамфетаминлар билан тўлдирилган етти та қаҳва пакети топилган.

Ўзбекистон фуқаросига ўлим жазоси белгиланиши мумкин — Малайзияда мамлакатга гиёҳванд моддалар киритишга уриниш хатти-ҳаракатлари айнан шундай тарзда жазоланиши белгиланган.

UZBEK.FM

## Ўзбекистонда «Жигули» автомобили олди-сотдисини расмийлаштириш тўхтатилди

3 июнь куни Facebook ижтимоий тармоғидаги «Общественный контроль» («Жамоат назорати») гуруҳида «Жигули» русумидаги автомобилларнинг олди-сотдисини нотариал расмийлаштириш ҳамда ушбу русумдаги автомобилларга ишончнома бериш тўхтатилгани ҳақида хабарлар пайдо бўлди.

uz24.uz электрон нашрининг Чилонзор туманидаги № 3 сонли нотариал контораси берган маълумотга асосланиб хабар беришича, ушбу русумдаги машиналар билан боғлиқ барча турдаги юридик амалиётлар бир ой муддатга тўхтатилган.

«Бунинг сабаби Адлия вазирлигидан келган қарор билан боғлиқ. Ҳозир биз Адлия вазирлигидан бу борада расмий изоҳ кутмоқдамиз», — деб ёзади интернет нашр.

Айни пайтда, таҳририятга келиб тушаётган маълумотларга кўра

бу ерда гап нафақат «Жигули» русумидаги автомобиллар, балки МДХ давлатларида ишлаб чиқилган барча турдаги автомобилларга таълуқли экани айтилмоқда. Хабарларда айтилишича ҳозирда МДХ давлатларидан олиб келинадиган барча турдаги автомобилларнинг божхона расмийлаштируви ва уларни сертификатлаш ишлари тўхтатиб қўйилган.

ЎХХ ахборот бўлими



## НАМАНГАНДА 49 ТА ОДАМ САВДОСИ ҚУРБОНИ РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИГА ЖЎНАТИЛДИ

Ўзбекистоннинг Наманган вилоятида одам савдосига қарши курашиш бўйича маҳаллий органлари томонидан ўтказилган тадбир натижасида 8377 одам ўзларининг доимий яшаш жойларига қайтарилган, 49 та одам савдоси қурбони эса реабилитация марказига жўнатилган.

Бу ҳақда Ўзбекистон Бош прокуратурасига тегишли «Ҳуқуқ» (Право) идоравий газетасида чоп қилинган мақолада айтилади, деб ёзади 12uz.com.

Одам савдоси қурбонларига ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш бўйича Реабилитация Маркази 2008 йил декабрида Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги қошида тузилганди.

Бундан ташқари амалдаги жиноят қонунчилигига одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан жинойи жавобгарлик чораларни кучайтиришга қаратилган бир қанча ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганди. Шунга қарамадан,



ОАВ маълумотларига кўра ҳар йили минга яқин Ўзбекистон фуқароси одам савдоси қурбонига айланади.

Кўпчилик ҳуқуқ-ҳимоячилар жазо чораларининг кучайтирилиши одам савдосини камайишига олиб келмайди, дея ҳисоблашади. Уларнинг фикрича, Ўзбекистонда молиявий ва иқисодий вазият ўзгармагунча ҳамда янги ишчи ўринлари яратилмагунча одам савдоси қурбонларининг сони камайиб қолмайди.

Шунинг учун ҳам чет элда тирикчилик қилишни истайдиган

одамларнинг сони кўпаяверади.

Боз устига, уларнинг аксарияти бошқа мамлакатда сердаромад иш таклиф этаётган одамлардан қандай расмий ҳужжатлар талаб қилиш лозимлиги билишмайди.

Уларнинг бу борадаги ҳақ-ҳуқуқларини амалга оширишларига қўмаклашиши керак бўлган Ўзбекистон меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқармаларида авж олган коррупция туфайли ҳорижда меҳнат қилишни истаган фуқароларнинг аксарияти бу тузилмаларга мурожаат қилишмайди.

Айни пайтда, ҳорижий давлатда меҳнат қилаётган фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш ва ижтимоий муҳофазасига қўмаклашиш учун масъул бўлган Ўзбекистоннинг ҳорижий давлатлардаги ваколатхоналари ўз фуқаролари тақдири билан мутлақо қизиқмаслиги йиллар давомида ўз исботини топган.

ЎХХ ахборот бўлими



## Қирғиз депутаты: «Ўзбекистонга тиз чўкиш керак!»

6 июнь куни Қирғизистон парламентида «Ата-Журт» партияси фракциясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисдаги асосий мавзу мамлакат жанубига газ етказиб бериш муаммосидан иборат бўлди. Бу ҳақда 24kg.org хабар берди.

«Ўзбекистон Қирғизистонга нисбатан дипломатик алоқа қилмаяпти», — дея таъкидлайди Қирғизистон бош вазири ўринбосари Валерий Диль.

Унинг сўзларига кўра, республика жанубини газ билан таъминлаш масаласини ҳукумат давомли равишда ечишга ҳаракат қилмоқда. «Ўзбек томони билан учрашув ташкил қилиш мақсадида уч маротаба ишчи йиғилиши ўтказилди. Афсуски ҳеч қандай натижа йўқ.

Мен бир неча маротаба элчига мурожаат қилдим ва фақат менинг ўзим қабул қилишлари учун механизм ишлаб чиқишларини сўрадим. Бироқ бу ишлар элчи

даражасида ҳал бўлмайди. Ўзбек томони қўллаётган ушбу чоралар — бу бизга нисбатан дипломатик муомала эмас.

Бундан ташқари бир қанча ён беришларга боришга тўғри келади. Балки, ҳатто камситилиш аломатлари орқали бўлар, бироқ, асосийси масалани ҳал қилиш. Яхшиси уларнинг бизга нисбатан қилаётган аҳмоқлиги ва андишасизлигига жавоб қайтармасдан ўзимизнинг маданийлигимизни кўрсатайлик», — дейди Валерий Диль.

Депутат Курмонбек Ўсмонов Ўзбекистон билан «Қирғизгаз» ОАЖ шартномавий муносабатда бўлганини таъкидлайди.

«Ҳозир эса «ҚирғизгазПром» МЧЖ деб номланади. Ҳуқуқий жиҳатдан ўзбеклар ҳақдир. Томонлар ўртасида ҳозирда шартнома йўқ экан улар ким билан алоқа қилишади? Барчасини россиянинг «Газпром»ига ўтказишдан олдин «Қирғизгаз»

ўзининг ҳуқуқий вориси ҳақида ўйлаши, олдинги шартномани тугатиб янгисини тузиши керак эди. Шартномавий тартиби мана шундай бўлиши керак. Энди эса бош вазир бошчилигида ҳаммангиз чиқиб олиб — «улар қўнғирокларимизга жавоб беришмайди, биз билан гаплашишмайди», — деб нолийсизлар.

Аслида улар тўғри қилишади. Шартномавий муносабатлардаги томонлар бўлмаса ким билан гаплашишади? Нима сабабдан мамлакатнинг жанубий қисми икки ойдир қийналмоқда.

Энди сиз зудлик билан чора кўришга мажбурсиз, боринг ва Ўзбекистонга тиз чўкинг. Жавобгарликни ўзингизга олиш

вакти келди», — дея жаҳл қилди халқ депутати.

«Қирғизгаз» бош директори Турғунбек Қулмурзаевнинг сўзларига кўра «Қирғизгаз» ҳозирда мавжуд ва «Газпром»нинг шўъба корхонаси сифатида қайтадан ташкил қилинган. Биз шартнома асосида ушбу шўъба корxonани ва унинг барча мулкани ҳам «Газпром»га сотиб юборсақкина «Қирғизгаз» бутунлай йўқ бўлади. «Ўзтрансгаз» ҳам буни жуда яхши билади» — дейди у.

Маълумки, «Ўзтрансгаз» АК томонидан 14 апрелдан бошлаб Қирғизистон жанубига табиий газ етказиб бериш тўхтатилган. Қирғизистон томони шартномани узайтиришни таклиф қилган ва 11 апрел куни «Қирғизгаз» ОАЖ шартнома муддатини II чорак охирига қадар узайтиришни сўраб «Ўзтрансгаз»га мурожаат қилган. Бироқ, ўзбек томонидан жавоб келмаган.

ЎХХ ахборот бўлими

## Марҳаматдаги ёнғин оқибатида Veeline станцияларига зарар етди

Андижон вилояти Марҳамат шаҳридаги бинолардан бирида 31 май, шанба куни ёнғин содир бўлган. «Газета.uz» тарқатган хабарга кўра, бинода тикув цехлари бўлган.

Содир бўлган ёнғин оқибатида бинонинг том майдонида ижарага олинган «Билайн-Ўзбекистон» мобил алоқа компаниясининг база станцияси ҳам ишдан чиққан.

«Билайн-Ўзбекистон»нинг техник директори Денис Котляренконинг сўзларига кўра, ёнғин оқибатида компаниянинг база станцияси бутунлай ёниб кул бўлган.

База станциясининг ишдан чиқиши эса вилоятнинг бошқа туманларида жойлашган 20 та станциянинг ўчиб қолишига олибган.

Вилоят аҳолиси ушбу ёнғин ҳақида эшитмаган бўлса-да, шу шаклда унинг оқибатларини сезган.

«Ҳозирда компания барча имкониятларни сафарбар этган ҳолда, ускуналарнинг ишини янгилаш бўйича катта ҳаракатларни амалга оширмоқда», — дейди техник директор.

UZBEK.FM

Вазирлар Маҳкамаси 24 май куни Олий таълим муассасалари (ОТМ)нинг васийлик кенгашлари ҳақидаги намунавий Низомни тасдиқлади, деб хабар беради [Norma.uz](http://Norma.uz).

Васийлик кенгашларининг асосий вазифаси олий ўқув юртларидаги жамоат бошқарув тизими самарадорлигини

ҳомийлар ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар кириши мумкин.

Кенгаш таркиби тегишли олий ўқув юрти ўз назоратида бўлган вазирлик ва идоралар томонидан тасдиқланади. Бирок, ОТМ васийлик кенгаши таркибига Вазирлар



## Ўзбекистон Олий ўқув юртларида васийлик кенгашлари ташкил қилинади

ривожлантириш, таълим сифатини яхшилаш ва таълим жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тамойилларини амалга ошириш экани айтилади. Намунавий низом ҳарбий таълим муассасаларидан ташқари барча олий таълим муассасаларидаги васийлик кенгашлари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Низомга кўра васийлик кенгашлари ҳар бир олий таълим муассасаси қошида ташкил қилинади. У юридик шахс ҳисобланмайди ва ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб боради.

Кенгаш таркибига олий таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришдан манфаатдор бўлган давлат органлари вакиллари, нодавлат нотижорат ташкилотлар,

Маҳкамаси олдида ҳисобдор бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари киритилган бўлса, уларнинг таркиби Вазирлар Маҳкамасининг ўзи томонидан тасдиқланади.

Кенгаш таркиби ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари, куч ишлатар органлар ҳамда Президентга бўйсинувчи тузилмалар раҳбарларидан иборат бўлган тақдирда унинг таркиби давлат раҳбари томонидан тасдиқланади. Нодавлат олий таълим муассасалари кенгаши таркиби эса унинг таъсисчилари томонидан тасдиқланади.

Хужжатда кенгашнинг мақсади, вазифалари ва ваколатлари белгиланган. Кенгаш таркибининг сони бўйича аниқ чекловлар ўрнатилмаган. Шахсий таркиб ва

раҳбариятдаги ўзгаришлар эса қоида тарихида бир йилда бир маротаба амалга оширилиши мумкин. ОТМ ректори (директор) ўз лавозимига кўра кенгаш аъзоси ҳисобланади. Кенгаш аъзоларининг фаолият муддатлари, раисни ва унинг ўринбосарларини қайта сайлаш кенгаш низоми билан белгиланади. Кенгаш ўз ваколатларини ректорга (директорга) ўтказишга ҳақли эмас.

Кенгаш қарори мажлисда қатнашаётган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овозлар тенг келиб қолган тақдирда ҳал қилувчи овоз раисга тегишли бўлади.

Олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга бир ой мобайнида ўз назоратларидаги ОТМларда васийлик кенгашлари ташкил қилиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш юклатилди.

**UZBEK.FM**

## Маҳкумлар учун тақиқларнинг янгиси эълон қилинди

Олдин хабар берганимиздек, ушбу йилнинг 20 апрелидан бошлаб Ўзбекистондаги барча ЖИЭҚда, маҳкумларнинг қонунда кафолатланган ҳуқуқлари: -яқин қариндошлари билан телефон сўзлашуви, улар билан учрашувлар, биринчи зарурият бўлган гигиеник воситалар ва дори-дармонлар олиш ҳуқуқлари ҳеч бир асос сабабсиз, (тамирлаш бахонасида) чеклаб қўйилган эди!...

Биз ушбу ҳақда матбуотда хабар берганимиздан сўнгра, 35 кунлик ғайриқонуний чеклов бекор қилиниб, учрашувларга рухсат этилган ва натижада учрашувга келган яқин қариндошларнинг узундан-узун навбатлари ва тўс-тўполонларни тасаввур қилиш қийин эмас!...

Аммо, ЖИЭББ навбатдаги ғайриқонуний чекловни эълон қилиб, уяли телефонга кўнғироқ қилишни қатъиян тақиқлаб қўйди. Маҳкумларга рухсат этилган икки ойда бир маротоба яқин

қариндошларига телефон қилишда уяли телефонларга кўнғироқ қилишни қатъий тақиқлаб, фақат ва фақат АТСнинг уйда ўрнатилган симли телефонларига кўнғироқ қилишни белгилаб қўйилди... Ахир бугунги кунда, уяли телефонлар бутун дунёда барча инсонлар томонидан доимий ишлатиладиган ва доимий равишда ёнида олиб юриладиган алоқа-ку?! Қолаверса, бугунги кунда туман ва қишлоқларда АТСнинг симли уйда ўрнатиладиган телефонлари деярли йўқлиги ҳеч кимга сир эмас!... Ҳатто Ўзбекистон қонунларида ҳам маълум бир аҳоли қатламлари учун уяли телефонларга кўнғироқни амалга оширишни тақиқловчи норма мавжуд эмас. Бундан келиб чиқадики бу таъқиқ ғайриқонунийдир. Шунингдек,

маҳкум икки ойда бир маротоба ўз уйига кўнғироқ қилиш ҳуқуқи бор бўлсада, бироқ у қачон қайси санада ва соат нечада кўнғироқ қилиши ҳақида олдиндан ўз яқинларига хабар бера олмайди!...

Бундан келиб чиқадики, маҳкумнинг яқин қариндошлари ҳам, «у билан уй телефонида сўзлашиш, соғлиғи ва ахволидан хабардор бўлиши учун», доимий равишда иш ва тирикчиликни йиғштириб қўйиб, уйда телефонни кучоқлаб ўтиришга «маҳкум» этилган эканда... Акс холда, маҳкум кўнғироқ қилганида дарров телефон гўшагини кўтармаса — тамом сўзлашув навбати ўтиб кетади ва яна кейинги икки ой АТСнинг уйда ўрнатилган -симли телефонини пойлаб ўтиришга мажбур, ишламасдан ...

У холда, оила боқувчиситаси ёки фарзанди қамалган ва жигар-бағри қон оиланинг тирикчилиги қандай кечади?... Бу инсонпарварлик нормаларига зид, маҳкумларнинг ҳуқуқларини қасдан чеклашга бўлган яна бир жазава эмасми?. Ушбу ғайриқонуний чеклов хусусида Ўзбекистон ИИВдан изох беришларини сураймиз.

**ҲАҚ йўлида ҳақиқат учун курашувчи**



## АҚШ Афғонистонда яна 10 йил қолиши мумкин

АҚШ маъмурияти Ироқда эришолмаган хавфсизлик тўғрисидаги битимни Афғонистон билан имзолашга ҳаракат қилмоқда.

Joseph Farah's G2 Бюллетенида иқтибос келтирилган мавзудан хабардор манбанинг тасдиқлашича, Кўшма Штатлар Афғонистонда янада узокроқ муддат қолиши, олдин режалаштирилганидек ва президент Барак Обама томонидан Вест-Пойнтдаги чиқишида эълон қилинганидек 2016 йилда ҳам кўшинларини олиб чиқмаслиги мумкин.

Кўрсатилган муддатгача Афғонистонда тахминан 9800 тача аскар қолишига қарамасдан, ҳозирда АҚШ кучларининг мамлакатда қолишини узайтиришни, дипломатик ва разведка активларини ҳамда кўриқлаш агентликларини ёллашни назарда тутувчи режалар ишлаб чиқилмоқда.

Пудратчилар мамлакатнинг ажралиб қолган чекка вилоятлари хавфсизлигини таъминлаш ва таълим билан шуғулланишади. Ироқда бўлгани сингари, хусусий ҳарбий пудратчилар ёки лойиха раҳбарлари чекка туманлар хавфсизлигини таъминлашга ёрдам беради, бироқ уларга ер транспорт воситалари, жароҳат олинган ҳолатда жанг майдонидан ярадорларни эвакуация қилиш учун вертолётлар ва авиациядан иборат хусусий ташиш воситалари илова қилинади.

Келажакда ёрдам кўрсатиш Афғонистоннинг иқтидордан кетаётган президенти Ҳамид Карзайнинг ўрнига тайинланадиган иккита асосий номзоднинг АҚШ билан хавфсизлик тўғрисидаги битимни имзолаш учун берган ваъдасидан иборат.

Номзодлар Абулла Абдулла ва Ашраф Ғани АҚШ билан мазкур шартномани имзолашга рози бўлишган.

Ҳозирги вақтда шу ойнанинг охирида бўлиб ўтиши режалаштирилган охири босқич президентлик сайловларида Абдулла Ғанига нисбатан устунликка эга.

Расмий жиҳатдан Афғонистон Ислом Республикаси ва Америка Кўшма Штатлари ўртасидаги стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги Баркарор битим деб номланадиган

шартнома АҚШ қуролли кучлари сони қисқаргандан кейин ушбу икки давлат алоқаларида узок муддатли асос бўлиб хизмат қилади.

Шунга ўхшаш битимни АҚШ 2010 йили Ироқдан кўшинларини олиб чиқиш арафасида имзолашга ҳаракат қилганди, бироқ Ироқ бош вазири Нури ал-Маликий битим борасида ўз ҳукумати билан келиша олмаганди.

Ундан ташқари у битимнинг имзоланишини истамаган кўшни Эроннинг кучли босими остида қолганди. Эрон етакчилари сингари ал-Маоикий ҳам шия бўлганлиги сабаб, Эрон тавсияларига сўзсиз қулоқ тутди.

Худди шу тарзда Эрон таклиф қилинган Афғонистон билан хавфсизлик тўғрисидаги битимга ҳам қаршилигини билдирди.

Ҳозиргача Карзай олдинги муҳокамаларда асосий муаммолардан бири бўлиб келган америка персоналларига суд дахлсизлиги берувчи 10 йилга мўлжалланган битимни ҳаттоки афғон парламенти уни имзолашни Карзайга тавсия қилган бўлишига қарамасдан имзоламадан келмоқда.

Бутун минтақадаги америка таъсирини мустаҳкамлашга мўлжалланган ва ўз тарихидаги энг қиммат элчихоналар қурилишидан кейин ҳам АҚШ Ироқ билан шартномани имзолай олмаган бўлишига қарамасдан, эндиликда Афғонистонда шунга ҳаракат қилмоқчи.

Мавзудан хабардор манбанинг маълумотларига кўра, умумий сони 9800 ни ташкил қилувчи америка дипломатлари, разведка ходимлари, ҳарбий бўлмаган давлат мулозимлари ва америка дипломатларининг пудратчилари Обама айтганидек 2016 йилнинг охирига қадар қолади. Фақат америка дипломатларининг ўзи 300 тадан ошиши мумкин, ҳамда турли хил америка агентликлари, жумладан АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID), разведка агентликлари ва Мудофаа, Адлия, Қишлоқ хўжаликлари Вазирликларининг шу турдаги департаментларида ҳарбий бўлмаган ҳукумат мулозимлари сонининг ҳам ортиш эҳтимоли бор.

Ҳукумат мулозимлари ҳам АҚШ ўнлаб миллиард доллар

пул ётқизиши мумкин бўлган турли хил қишлоқ жойларини ривожлантириш афғон дастурлари билан ишлашади.

Манбаларнинг таъкидлашича, мазкур лойиҳалар устидан назоратни амалга оширадиган АҚШ ҳукумати ходимлари пулларнинг ўзлаштириб юборилмаслигини кафолатлашга ёрдам беришлари лозим.

Чунки илгари бунинг натижасида миллиардлаб АҚШ доллари йўқолиб кетганди. Чекка туманларда бу каби ишлар амалга оширилганидан сўнгина диққат қаратиш лозим бўлган яна бир масала хавфсизлик бўлади.

Бунинг ўрнига АҚШ бир неча вариантларни, жумладан америка ишчилари хавфсизлигини ва уларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчишини таъминлаш мақсадидаги тармоқлар кўмагида кўплаб кўриқчилик агентликларини ёллашни кўзда тутмоқда.

Карзай даврида афғон ҳукумати кўриқчилик агентликларига нисбатан жиддий қарашган, улардан афғон қонунлари ва Афғон ҳимоя жамоа кучлари раҳбарлигида ишлашлари талаб қилинган.

Бироқ, хавфсизлик бўйича шартнома имзолаш ниятида бўлган янги президент даврида бу каби чекловлар иккинчи даражали аҳамият касб этиши мумкин.

Афғонистондаги миссиянинг бошида Шимолий атлантика шартномаси Ташкилоти ёки НАТО турганлигини инобатга оладиган бўлсак, иттифоқчилар хавфсизликни таъминлаш учун миллиардлаб АҚШ доллари миқдоридаги сармояни киритишда давом этишадими ва жорий ҳамда келажакдаги лойиҳаларда қатнашишадими, деган савол туғилади. Оврўпада узок давом этиб келатган жиддий иқтисодий муаммолар, Россиянинг минтақадаги ғайратининг ортиб бориши ортидан ҳимояланишнинг долзарблиги ва НАТО иттифоқчиларининг Афғонистондан кетиш кунини кутиб тура олмасликлари охир оқибатда харажатлар ва мажбуриятларнинг асосий қисмини АҚШ зиммасига юклаши мумкин.

**Майкл Малуфф, «WND.com»,**  
6 июнь 2014 йил,  
**Таржима – «uzxalqharakati.com»**

2014 йил 3 июнь куни жиноий ишлар бўйича Тошкент шаҳар суди «Олмалиқ ҳуқуқ» адвокатлар адвокати П. Браунерг томонидан Ф. Тиллаев ва Н. Жуманиёзовларнинг иши бўйича назорат тартибида кўриб чиқиш учун берилган шикоятни рад қилиш тўғрисида ажрим чиқарди.

«Сизнинг Н.Джуманиёзов ва Ф.Тиллоевларга оид жиноят иши юзасидан норози бўлиб, ёзган шикоятингиз назорат тартибида



455-моддаси талабига муофиқ суд муҳокамасида аниқланган ва текширилган далиллар билан асослангандир, ҳукмда баён этилган ҳулосалар ҳақиқий иш ҳолатига муофиқ.

Н.Джуманиёзов ва Ф.Тиллоевларнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 135-моддаси 3-қисмининг «г» банди билан тўғри квалификация қилинган ҳамда уларга нисбатан жазо енгиллаштирувчи ва

## Ф. Тиллаев ва Н. Жуманиёзовларнинг иши бўйича назорат тартибидаги шикоят қаноатлантирилмади

кўриб чиқилди.

Шикоятда келтирилган важлар билан қуйидагилар асосида келишилмади:

Н. Джуманиёзов Ф.Тиллаевларнинг айблари жабрланувчилар Ф.Пардаев ва Э.Эрданов, гувоҳ А.Мирсоатовнинг кўрсатувлари, жабрланувчиларнинг аризалари, уларни сўроқ қилиш ва юзлаштириш баённомалари шунингдек жиноят ишида

тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ исботланган.

Биринчи босқич суди томонидан Н.Джуманиёзов Ф.Тиллоевларга оид жиноят иши ЖПКнинг 22-моддаси талабига биноан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиб, суднинг ҳукми Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг

оғирлаштирувчи барча ҳолатлар эътиборига олиниб, қилмишларига муофиқ тўғри жазо тайинланган.

Юқоридагиларга асосан суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун протест келтиришга ишда асослар бўлмаганлиги сабабли, шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилди», — дейилади суд ажримида.


ЎХХ ахборот бўлими

## Миробод туманидаги касалхона ва болалар боғчасида ёнғин содир бўлди

Пойтахтнинг Миробод туманидаги касалхона ва болалар боғчасида ёнғин содир бўлди, иккала ҳолатда ҳам қурбонлар йўқ, дейилади республика ИИБ матбуот хизмати берган хабарда. Матбуот хизмати маълумотларига кўра, Тошкент шаҳрининг Миробод туманида жойлашган № 4 сонли шаҳар клиникасида газ пайвездлаш ишларини олиб бориш жараёнидаги ёнғин хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмаганлиги оқибатида ёнғин содир бўлган. «Ёнғин оқибатида бинонинг таъмирдан

чиққан қисми бутунлай ёниб кул бўлган. Бинонинг таъмирланаётган том қисмидаги ёнғин майдони 650 кв. метрни ташкил қилган», — дейилади матбуот хизмати хабарига.

Миробод туманидаги болалар боғчасида содир бўлган ёнғин эса носоз электр тармоқлардаги қисқа туташувдан келиб чиққан. «Ёнғин оқибатида боғча биносининг 15 кв. метр қисми ёнди. Ёнғин пайтида ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг тезкор амалиётлари туфайли 63



та тарбияланувчи ва 18 та тарбиячи қутқариб қолинди», — дея таъкидланади хабарда.

ИИБ маълумотларига кўра, ўтган ҳафта мобайнида республикада 216 та ёнғин ҳодисаси рўй берган. Ёнғинлар оқибатида 2 одам турли даражадаги куйиш жароҳати олган.

UZBEK.FM

## Тўғрилиқ

Ҳафта бошида Қўқондан қайтишимизда ибратли бир иш бўлди. Наманган постида одатдагидек ҳужжат текшируви бошланди. Ҳаммамиз кўрсатдик.

Уртанча қизим адашиб сингилчасининг паспортини олволган экан. Очаётиб, сезиб қолди ва: «Узр, меники қолиб кетибди, бу сингилмики», деди. Мошинани бир четга ўтказишди. Шахсини аниқлагунигимизча қамида тўрт соатлар кутасизлар, дейишди. Хуноб бўлганимдан кўнглимдан: «Индамай кўрсатаверганимда бўларди-ку...» деган ўй ўтди. Лекин айтмадим. Айтсам, ёлғонга ўргатиш бўлар эди, албатта. Ҳолбуки, уйда фақат рост гапиришга таълим берганман. Хуллас, мажбур, кутамиз энди... Чегара хонасига бориб аҳволни тушунтиришса, бошлиқ постдаги йигитга тилпон қилиб: «Қиз паспортини ўзиники қилиб кўрсатдими?» деб сўрабди. Йигит у ёқдан: «Йўқ, адашиб сингилсининг ҳужжатини олволганини айтди», дебди. Оллоҳга шукр, мен пешинни ўқиб олгунимча вақт кетди холос — бизни қўйиб юборишди. Шундай қилиб, битта тўғрилиқ йўлимизни очиб юборди!

Нуруллоҳ Мухаммад Рауфхон

(Давоми: Боши олдинги сонда)



### Ёқуб алайҳиссаломнинг келиб чиқиши ва исмлари

Ёқуб бин Исҳоқ, бин Иброҳим алайҳиссалом (1). Ёқуб алайҳиссаломнинг онаси Рафоқадир (2). Ёқуб алайҳиссалом укаси Ойс билан эгиз туғилди. Туғилиш жараёнида Ойснинг орқасидан, унинг ўқчасидан тутиб туғилгани учун, унга Ёқуб исми берилди (3). Сўнгра акиси Ойс тарафидан ўлдирилишдан қўриқиб, тоғаси ёнига қочганда, кундуз яшириниб, кечалари йўл юргани учун унга “Исроил” исми берилганини ривоят қиладилар (4).

### Ёқуб алайҳиссаломнинг шакл-шамойили

Ёқуб алайҳиссалом туйсиз баданли (5), ориқ, вазмин, узун бўйли (6), гўзал юзли эди. Акиси Ойсдан чиройлироқ сўзлар эди. (Ҳаким, “Мустадрак”, 2- жилд, 557-бет)

### Исҳоқ алайҳиссаломнинг Ёқуб алайҳиссаломга табшир тавсияси

Исҳоқ алайҳиссалом ўғли Ёқуб алайҳиссаломга: “Аллоҳ сени пайгамбар тайинляжак, ўғилларинг уруғидан пайгамбарлар чиқажак, сенда хайр ва баракатни вужудга келтиражак”, деди (7). Ва Канъонлилардан ҳеч бир хотинга уйланмасликни, Фаддонда истикомат қиладиган тоғаси Лебоннинг ёнига боришини (8) ва унинг қизига уйланишини тавсия эди. (Ибн Қутайба. “Маориф”, 18-бет) Онаси ҳам Ёқубга тоғасининг ёнига кетишни тавсия қилганди. (Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 164-165- бетлар; Ибн Холдун, “Тарих”,

2- жилд, 35- бет)

Бу тавсияларга биноан Ёқуб алайҳиссалом Фаддонга қараб кетди. Кечалари бир тошни ёстиқ қилиб тунарди. Уйқусида туш кўрди, бош учида осмонга йўналган бир зинапоя қурилди ва ундан малаклар (фаришталар) инганини кўрди. У зинапоядан кўкка чиқди.

Аллоҳу Таоло унга: “Мухакқадир-ки, Аллоҳ менман, мендан бошқа илоҳ йўқ. Мен сенинг Илоҳингман ва оталарингнинг Илоҳиман. Шубҳасизки, сени ва зуррётингни, сендан кейингиларни бу арзи-муқаддасга ворис этдим. Бу ерни сенга ва уларга муборак этдим. Китобни, ҳикматни ва

## ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (13).

пайгамбарликни сизларга насиб қилдим. Мен сенинг ёнингданман ва сени у манзилга етгунингча кўрийман. У ерда сенинг ва зуррётингнинг менга ибодат этажаги бир байт (уй) тикла, у Байт-ул муқаддасдир”, дея ваҳий этди. (Ибн Қутайба “Маориф”, 18- бет)

Ёқуб алайҳиссалом аввал тоғаси Либоннинг катта қизи Лайёга, кейин кенжа қизи Роҳилга уйланди.

Лайёдан:

1. Рубил
2. Яҳуза
3. Шамун
4. Лави исмли ўғиллари туғилди.

Роҳилдан:

1. Юсуф
2. Бунамин исмидаги (9) ўғиллари туғилди.

Лайё билан Роҳил Ёқуб алайҳиссаломга эрга текканларида отаси Лебон уларга сеп-ҳадя ўлароқ биттадан жория берганди. Улар бу жорияларни Ёқуб алайҳиссаломга “ўғил туғсинлар”, деб ҳадя қилгандилар.

Бу жорияларнинг ҳар бири Ёқуб алайҳиссаломдан учтадан ўғил туғишди (10).

Ёқуб алайҳиссаломнинг бу 12 та ўғли (11) “Исроил ўғиллари”, “Асбот” деб ном олдилар (12).

### Ёқуб алайҳиссаломнинг саёҳатлари, пайгамбар бўлиши ва фазилатлари

Ёқуб алайҳиссалом Ҳарронда 20 йил яшагандан сўнгра, унга Канъон элига кетиш амр этилди ва Орошалим (Байт-ул макдис)га келди.

У ерда ер сотиб олди ва чодир қурди.

Сахро мавқеида, юксак ва

мустаҳкам бир Байт (маъбад) иншо этди, унга “Эл” деб исм берди.

Сўнгра отаси Исҳоқ алайҳиссаломнинг Канъон элидаги Ҳобрун шаҳрига бориб, у ерда яшади.

Исҳоқ алайҳиссалом вафот этгандан сўнг, уни бобоси Иброҳим алайҳиссаломнинг ёнига дафн этди.

Ёқуб алайҳиссалом отаси вафот этгач, унинг ўрнига ўтди (13).

Ёқуб алайҳиссаломнинг пайгамбарлиги ва фазилатлари ҳақида Шундай дейилади:

“Унга (Иброҳимга) Исҳоқни, яна Ёқубни эҳсон этдик ва ҳар бирини солиҳлар (дан) айладик. Уларни амримиз (вахиймиз) билан тўғри йўл кўрсатилган раҳбарлар

қилдик. Хайрли амалар ишлаб, намозини тўла-тўқис қилиб, закот беришларини уларга ваҳий этдик. Улар бизга ибодат этувчилар эди”. (Анбий сураси, 72-73- оятлар)

“Биз унга Исҳоқ билан Ёқубни эҳсон этдик. Пайгамбарликни ва китобларни унинг зурриётига тахсис этдик. Дунёда унга мукофотини бердик. Ҳақиқатан ҳам, у охиратда ҳам — ҳар ҳолда солиҳ инсонлардандир.” (14)

“Чунки улар (Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқуб) бизнинг қатимизда чиндан ҳам хайрли зотлар эди”. (Сод сураси, 47)

### Тобут-Ус Сокинанинг Ёқуб алайҳиссаломга берилиши

Ривоятга кўра, Тобут тароқ ясаладиган шамшод (жимшир) дарахтидан қилинган бир сандиқ бўлиб, лавҳалар билан қопланганди.

Тобутни Одам алайҳиссалом вафотига қадар сақлади, у ўлгандан сўнгра унинг ўғиллари ворис бўлдилар. Иброҳим алайҳиссалом вафот этгандан сўнг, Тобут Исмоил алайҳиссаломга қолди. У вафот этгандан сўнг ўғли Қайдорга мерос қолди.

Исҳоқ алайҳиссаломнинг ўғиллари Қайдорга “пайгамбарлик сиздан бошқа тарафга йўналди. Сизнинг Тобут ичидаги Нурдан (Муҳаммад алайҳиссаломнинг нури) бошқа насибингиз йўқ, тобутни бизга бер”, — дейишди.

Қайдор:

“Бу менга отамдан мерос, васиятдир, уни ҳеч кимга бермайман”, — деб, Тобутни бермади.

(Давоми кейинги саҳифада)



(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

У бир куни Тобутни очишга уринди ва очолмади. Шунда самодан сас келиб:

“Э Қайдор, воз кеч, Тобутни очишга сен учун йўл йўқдир. У пайғамбарга васият этилган, уни пайғамбардан бошқаси оча олмайди. Сен уни амакиннинг ўғли Аллоҳнинг Исроили Ёқубга бер”, — дейилди.

Қайдор Тобутни елкасига олиб, Ёқуб алайҳиссалом истикомат қилаётган Канъон елига қараб йўлга тушди. Қайдор яқинлашганда Тобут саллана бошлади.

- Аллоҳга ямин этаманки, Қайдор Тобут билан сизга келаяпти, уни қаршиланглр! — деди Ёқуб алайҳиссалом ўз ўғилларига.

Ёқуб алайҳиссалом билан ўғиллари оёққа туриб, Қайдорни қаршиладилар.

Ёқуб алайҳиссалом Қайдорни кўриб йиғлаб юборди ва деди:

- Эй Қайдор, сенинг юзингни сўлгин, ўзингни заифланган кўраяпман, не бўлди, душман зулмига учрадингми, ёки отанг Исмоилдан сўнгра бошингга бало келдимми?

- Мен на душман зулмига учрадим, на-да бошимга бало келди, фақат елкамда ташиганим

## ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (13).

Нур — Муҳаммаднинг нури менга оғир келди. Шу боис рангим сарғайди, оёқларим заифлади, — деди Қайдор.

- Исоқнинг қизларидан никоҳингда бўлганлар борми? — деб сўради Ёқуб алайҳиссалом.

- Йўқ. Мен журхумий арабларнинг амирларидан биттасининг қизига уйланганман, — деди Қайдор.

- На гўзал, на гўзал! Муҳаммад алайҳиссаломнинг шарафи учун Аллоҳ уни ифбатли араб хотинларидан бошқасидан чиқармайajak. Эй Қайдор, сени бир мужда билан муждаламоқчиман, — деди Ёқуб алайҳиссалом.

- Надир у мужда?, — деди Қайдор.

- Амирлардан бўлган завжанг кеча бир ўғлон туғди, — деди Ёқуб алайҳиссалом.

- Эй амакиннинг ўғли, сен Шом тупроғидасан, у эса Ҳарамда, сенга буни ким билдирди, — деб сўради Қайдор.

- Мен кўк дарвозасининг очилганини ва кўк ва ер орасида

ой каби юмалок бир нур кўрдим. Малакларнинг самодан баракат ва раҳмат ила инганини кўрдим. Англадимки, бу Муҳаммад алайҳиссалом учундир, — деди Ёқуб алайҳиссалом.

Қайдор Тобутни амакиннинг ўғли Ёқуб алайҳиссаломга бериб, оиласининг ёнига қайтганда бир ўғил фарзанд кўрганини билди ва унга Хомал исмини берди (15).

Ёқуб алайҳиссаломнинг эллик йили халқни Аллоҳга ибодатга даъват қилиш билан ўтди. (Мир Хованд. “Равзот-ус-сафо” таржимаси, 225- бет)

У Сом бин Нуҳ алайҳиссаломдан кейин масжиди Оксонни янгидан иншо этганлардан бири ҳисобланади (16).

### Ёқуб алайҳиссаломнинг Юсуф алайҳиссалом туфайли чеккан изтироблари

Ёқуб алайҳиссалом заифлаган (Салабий. “Ароис”, 130- бет) ва қариган эди. Қошлари (Табарий. “Тафсир”, 3- жилд, 46- бет) ўсиб, кўзлари устига тушган, ёноқлари салқиб тушганди.

Бир куни унга кўшниси:

- Эй Ёқуб, шу бошинга тушган ҳол надир (Табарий. “Тафсир”, 13- жилд, 46- бет)? Қаримай туриб чол бўлдинг, адои-тамом бўлдинг

(Табарий. “Тафсир”, 13- жилд, 46- бет; Замахшарий, “Кашшоф”, 2- жилд, 340- бет). Сен бу кетишда отангнинг (Табарий. “Тафсир”, 13- жилд, 46- бет), укасининг (Салабий. 135- бет) ёшига ҳам етолмайсан, — деди.

- Бунга сабаб замоннинг узунлиги ва изтиробларнинг кўплиги, — деди Ёқуб алайҳиссалом. (Табарий. “Тафсир”, 13- жилд, 46- бет).

Шунда Аллоҳу Таоло:

- Эй Ёқуб, сен менинг яратганимга шикоят этаяпсанми?, — дея ваҳий этди.

- Ё Робб, мен бир хато қилдим, мени афу эт, — деди Ёқуб алайҳиссалом.

- Афу этдим, — деди Аллоҳу Таоло.

Шундан кейин Ёқуб алайҳиссалом дардини сўраганларга:

- Мен тўлиб-тошган кадар ва дардимни фақат Аллоҳга шикоят ва арз этаман, — дейдиган бўлди. (Табарий. “Тафсир”, 13- жилд, 46- бет)

### ИЗОҲЛАР:

1) Ибн Сод. “Табакот”, 1- жилд, 54- бет; Ибн Қутайба. “Маориф”, 18- бет; Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 162-163- бетлар; Ҳаким. “Мустандрок”, 2- жилд, 569- бет.

2) Ибн Қутайба. “Маориф”, 17- бет; Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 162- бет; Масъудий. “Муруж уз-заҳаб”, 1- жилд, 46- бет; Салабий. “Ароис”, 101- бет; Ибн Асир. “Комил”, 1- жилд, 126- бет.

3) Ибн Қутайба. “Маориф”, 17- бет; Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 164- бет; Салабий. “Ароис”, 101- бет; Ибн Асир. “Комил”, 1- жилд, 126- бет.

4) Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 165- бет; Ибн Асир. “Комил”, 1- жилд, 127- бет.

5) Ибн Қутайба. “Маориф”, 18- бет; Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 164- бет; Салабий. “Ароис”, 101- бет; Ибн Асир. “Комил”, 1- жилд, 126- бет.

6) Ибн Қутайба. “Маориф”, 18- бет.

7) Ёқубий. “Тарих”, 1- жилд, 29- бет.

8) Ибн Қутайба. “Маориф”, 19- бет; Ёқубий. “Тарих”, 1- жилд, 29- бет.

9) Ибн Қутайба. “Маориф”, 19- бет; Ёқубий. “Тарих”, 1- жилд, 30- бет; Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 163- бет; Салабий. “Ароис”, 102- бет; Ибн Ҳолдун, “Тарих”, 2- жилд, 1-қисм, 39- бет.

10) Ибн Қутайба. “Маориф”, 19- бет; Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 163- бет; Салабий. “Ароис”, 102- бет;

11) Ёқубий. “Тарих”, 1- жилд, 31- бет; Табарий. “Тарих”, 1- жилд, 163- бет; Масъудий. “Муруж уз-заҳаб”, 1- жилд, 47- бет; Салабий. “Ароис”, 102- бет; Абулфарад Ибн Жавзий. “Табсиро”, 1- жилд, 178- бет; Ибн Асир. “Комил”, 1- жилд, 126- бет; Абулфидо. “Ал бидоя ван-нихоя”, 1- жилд, 197- бет.

12) Ёқубий. “Тарих”, 1- жилд, 31- бет; Масъудий. “Муруж уз-заҳаб”, 1- жилд, 47- бет; Ҳаким. “Мустандрок”, 2- жилд, 570- бет; Салабий. “Ароис”, 102- бет; Абулфарад Ибн Жавзий. “Табсиро”, 1- жилд, 178- бет.

13) Ибн Ҳолдун, “Тарих”, 2- жилд, 1-қисм, 40- бет.

14) Анкабут сураси, 27- оят.

15) Салабий. “Ароис”, 266-267- бетлар.

16) Ибн Ҳожар. “Фатх-ул Борий”, 6- жилд, 291- бет.

(Давоми келгуси сонда)

## Туркий тилда сўзлашувчи давлатлардан умумий кимлик йўлида собит лойиҳалар

Туркий тилда сўзлашувчи давлатлар томонидан умумий миллий кимлик йўлида собит лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Тайёрланаётган умумий тарих дарслиги ёш авлоднинг билим олишига, минтақавий диаспора марказлари эса муҳим мавзуларда жамоат фикрини шакллантиришга хизмат қилади.

Тарихнинг энг қадимий маданиятларидан бирига соҳиб бўлган турклар ўз тарихларида



аъзолари билан учрашган Акинжи турк диаспорасининг сонига мос таъсирга эга эмаслигини айтди.

«Ўзаро бирлашиб ҳаракат қилган тақдирдагина сонимиз ҳам ортади, умумий манфаатларимиз ҳам ҳимояланади» — дея таъкидлайди Акинжи.

Умумий тарих дарслигини яратиш лойиҳаси эса ёшларга умумий маданият ва ўтмиш

Аврўпадан Ҳиндистонгача, Тинч уммонидан Мисргача бўлган кенг ҳудудларда буюк империялар ва давлатлар қурган. Турк давлатлари бугун ҳам ўзларининг умумий тарихи ва маданияти асосида умумий лойиҳалар борасида атрофида бирлашишмоқда.

Шу йилнинг 4 июнида Бодрумда президент Абдуллоҳ Гул мезбонлигида туркий тилда сўзлашувчи давлатлар Саммити йиғилиши бўлиб ўтади. Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон аъзо бўлган Саммитга буйил Туркменистон ҳам қўшилади. Шу жумладан Ўзбекистоннинг ҳам тез орада Саммитда жой олиши кутилмоқда. Биринчи навбатда Вашингтон, Берлин

ва Парижда ташкил қилиниши режалаштирилаётган минтақавий диаспора марказлари ёрдамида шу минтақаларда яшаётган туркий халқлар жамланади. Бундан мақсад умумий ҳаракатни ифодаловчи Арманистон каби муҳим мавзуларда жамоатчилик фикрини шакллантиришдан иборат.

Шу билан бирга турк диаспорасига алоқадор одамлар сони ҳисобини юритиш ҳам режалаштирилмоқда. Турк кенгаши бош қотиби Ҳалил Акинжи бутун дунёда яшовчи туркий халқлар сонига эътибор қаратар экан, кутилган натижага эришиш учун қилинадиган ишларнинг аҳамиятига алоҳида урғу беради. Дипломатик муҳбирлар уюшмаси

ҳақидаги билимларни беришни мақсад қилади. Ушбу дарслик келаси йилдан бошлаб туркий тилли сўзлашувчи давлатлардаги бошланғич ва ўрта таълим муассасаларида ўқув дастурига киритилади.

Хавфсизлик масалалари ҳам Бодрум Саммитининг энг муҳим мавзуларидан бири бўлиши кутилмоқда. Яна бир муҳим лойиҳа туризм соҳаси билан боғлиқ. Умумий жўғрофиянинг бир парчаси бўлган тарихий буюк ипак йўли номи остида бир сайёҳлик йўналиши яратиш ва уни ҳам минтақа ҳам дунё учун жозибали туризм йўналишига айлантиришдан иборат.

**Turkiston.TV**

## Қочқинлик қачонгача?

3-4 ойдирки бетобман. Бошимни кўтаришга ҳолим йўқ.

Демократликка даво қилувчи “валломат”ларга ишониб, тиббий кўмак сўрадим. Ўз пулимга. Фақат... шунчаки, касаллигим сабабини аниқлаб беринглар, ўз маблағимга кўриқдан ўтказинглар, баракатопгурлар дедим... Демократик давлатларда, афтидан, бюрократия устун чамаси, ҳали, ўзбекларимизда айтишганларидек, “Ит-итга буюраркан, ит қуйруғига” деганларидек бўлиб кетди бу ёғига...

Бирор бирдан ёруғлик чиқай демади....

Охийри, “Сен муҳолифат сафига кириб, бизни “под удар” кўйдинг” дея икки йилдирки мен билан юз қўрмас бўлиб кетган туғишганларим менинг “ана-кетди, мана кетди” бўлиб ётганимни интернетдаги хабарлардан эшитиб,

ҳечам чидаб тура олишмади.

“Ўзимиз қаратиб-кўрсатамиз” дея, “Йўқ” деганимга қарамасдан туғилиб ўсган кишлоғимга қўярда-қўймай олиб келишувди.

«Чиқмаган жондан -умид-да» дея қишлоқда қариндошларим ичимни қарийб “ҳайвонот боғи”га айлантириб бўлишди. Кўр илон, денгиз қурбақаси, типротикон пишириб беришади, “шуни есанг, соғайиб кетасан” деб мажбурлашади. Қай бири “Юмуронқозик ҳам минг дардга даъво бўларкан” деса, меҳригуё туғишганларимдан бири Қарши чўлларида юмронқозик ҳам топиб келибди.

Кўп китоб ўқийдиган “хеш”ларимдан бирининг “Эшак сути иммунитетни кўтараркан, минг бир дардга даъво бўларкан, Ибин Сино ҳам шу ҳақда ёзган экан” деган сўзлари қулоғига

чала-ярим кириб қолган опаларим 10 кундирки тонгги соат бешда эшакнинг эндигина соғилган иссиққина сутини оғзимга туттишди....

Фақат шунинг ўзи эмас.

Авлодимиздаги кўлидан ҳамширалик қилиш келадиганларининг ҳаммаси хизматимда. Қон ювадиган, қон кўпайтирадиган муолижалар қилишга киришиб кетишганди....

Туғишганларимнинг меҳридан кўнглим кўтарилдим, эътиборлари далда бўлдими, ўзимни хиёл тетик тута бошлагандим....

Бирок...

“Бетоблигим сабаб Сиёсий фаолиятда танаффус қилишга қарор қилдим” деган гапим куч ишлатар тизимларининг қитиғига теккан кўринади. “Куч ишлатар тизимдаги ходимлар “Эшонқулова муҳолифатни йиғиштириб қўйса, биз ишсиз, эрмаксиз қоламиз,

*(Давоми кейинги саҳифада)*



*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

оиламизни энди қандай боқамиз?!” деб ўтақаси ёрилганми, билмадим, ҳар ҳолда, улар мени мажбурий тарзда яна муҳолифат сафига қайтаришга киришган кўринади.

Негаки, бугун, 4 июнь куни эрталаб ҳали соат 9.00 бўлмасдан уй эгаси юраги ёрилиб сим қокди. Рафиқасига “Малоҳат опамни зудлик билан кўшнилари билан бирининг уйига яширинлар, қандайдир одалмар кидириб юришибди. Ҳозир мени ҳам сўроққа тутишди. Ҳаял ўтмай уйга уларни излаб бориб қолишади” деб қолди ҳовлиқиб.

Содда, самимий қишлоқдаги қариндошларимнинг юраги қок ёрилди.

“Сени кўшнининг уйига яшириб турмасак бўлмайди” дейишди ваҳима билан.

“Мен ўғри, муттахам, жиноятчи ё террорчи эмасман. Мен айни дамда хасталикка чалинган сизларнинг туғишганларингизман. Тамом, бошқа гап йўқ. Бетоб қариндошига қараган кишига жиноят Кодексида ҳеч бир модда йўқ. Қўрқманглар, сизларни қамаб қўйишмайди. Мен қочкин эмасман. Ҳеч кимдан қочадиган, қўрқадиган жойим йўқ. Кўшнилари билан уйига беркиниб нима қиламан? Мен жиноятчи бўлганимда уйларингга ҳам етиб келолмасдан қолардим. Йўлдаги сонг мингта ДАН постидаги ходимларнинг ўзи тутиволиб, қамокқа кузатиб қўйишарди” дедим энсам қотиб. Кўшнининг уйига ўтишга рози бўлмагандим.

“Кўшнимизникига ўтиб тура қол энди, -ялингандек деди опам, — Сен қўрқмагани билан кейин бизни ўтган галгидек терговга чақрайвериб, сил қилишади. Кўшнининг уйида яшриниб тур”

Опамнинг ўтинчидан кейин ҳали

майсалардан шудринг кўтарилмай, кўшнининг уйига бориб, “беркиниб” олишга мажбур бўлдим....

Юрагим гумириб кетди.

А з б о р о й и а с а б и й л а ш г а н и м д а н қ а й т а т о б и м қ о ч и б қ о л д и.

Ҳолатимни кўрган опам тезда такси ёллаб мени бошқа бир ҳамшира қариндошимизникига элитди.

Лекин мен бу қариндошимникида тиббий муолижамни давом эттиришни истамадим. Негаки,


туғишганларимга зиён етказиб қўйишдан қўрқдим. Муолижани чала ташлаб, бугун кечга яқин ортга қайтишга мажбур бўлдим...

Қишлоқдан қайтаёпману, йўл-йўлакай ўйлайман: Мени сўраб-суриштириб, қариндошларимнинг кўнглига кўрқув солганлар, мен турган хонадонни “облава” қилганлар ким бўлдикин? Менингдек хаста аёлдан нима исташади?

Бетоблигимда босим ўтказиб, жиғимга тегиб, мажбурий тарзда мени яна муҳолифат сафига қайтаришмоқчимикин? Ва ё куч ишлатар тизимлар менинг даволаниб, кучга тўлиб кетишимдан қўрқишармикин?

Нимадан бунчалар чўчишади булар? Қишлоқдошлар, қариндошлар онгида “инкилобий ўзгаришлар” “ясаб” қўйишимданми?

Ахир, инкилобни фуқаро юзага келтирмайди-ку? Инкилобни вужудга келтирувчи куч бу жамиятнинг ўзи-ку, одамлар онгида норозилик кайфиятини уйғотувчи



восита бу мамлакатдаги ҳақсизлик, порахўрлик, тенгсизлик-ку!

“Аввалгидек кувватим бўлганидами, журналист суриштирувини ўтказиб, аллақачон бу синоатнинг тагига етган бўлардим-а?” дея ўкиниб ҳам қўйдим...

Йўл-йўлакай ана шулар ҳақида ўйларканман, ҳечам ўйимнинг адоғига ета олмадим....

Ўзбекистондек мамлакатнинг куч ишлатар тизимлари менингдек хаста бир аёлнинг соясидан ҳайиқиб, таъкибни кучайтириб қўйибдими, демак, билингки, бу ДАВЛАТ ҚУДРАТИНИНГ КЎЛАНКАЧАЛИК қурби йўқ эканда-а?

Икки ойдири, компьютер ёнида қоқилиб ўтиришга, икки қатор қоралашга ўзимда куч топа олмай жоним ҳалак эди, қаранг, бугун бошқарув органларининг ўзлари, уларнинг навбатдаги ҳақсизлиги қўлимга қалам олиш учун менга қувват берди....

**Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА**  
[www.facebook.com](http://www.facebook.com)

## “Москва-Сити” мажмуасида 400 тача ноқонуний мигрант қўлга олинди

Қурилиш мажмуасидаги рейд жорий йилнинг май ойи охирида бўлиб ўтган оммавий муштлашув ортидан ўтказилди, деб хабар берди ИТАР-ТАСС.

Федерал Миграция хизматининг Москва бўйича бошқармаси инспекторлари ОМОН билан ҳамкорликда “Москва-Сити” қурилиш мажмуасини текшириш чоғида 400 та ноқонуний мигрантни қўлган олишди. Бу ҳақда агентлик журналистларига Россия

Федерацияси ИИВ Москва шаҳар бошқармасининг махсус гуруҳ Маркази матбуот хизмати маълумот берган.

Рейд давомида полициячилар Ўзбекистон, Тожикистон, Украина ва Молдова фуқароларидан иборат 400 ноқонуний мигрантни қўлга олишган.

Хабарда таъкидланишича, барча қўлга олинганларнинг содир бўлган ҳуқуқбузарликка алоқадорлиги текширилади ва ундан кейин

мамлакатдан депортация қилинади.

“Москва-Сити” қурилиш майдонидаги оммавий муштлашув 26 май куни бўлиб ўтганди. Интернетга жойланган видеоларда қурувчи мигрантларнинг “Москва-Сити” қурилиш майдонида болғалар билан бир-бирларини дўппослаётгани тасвирланган.

Содир бўлган ҳодиса юзасидан пойтахт полицияси безорилик бўйича жиноий иш очган.

**UZBEK.FM**



مَكِّي قِسْنُ نَرْبِ عَلِمَاعِنَ الْاَلِ يَف مَكَل نَاو  
اَنْبَال مَدَو شَرْف نَبِي نَم بِن وَطْب يَف اَم  
نِي بَرِاش لَل اَغْي اَس اَصْل اَخ

**Дарвоқе, сизлар учун чорва ҳайвонларида ҳам ибрат бордир; сизларни уларнинг қоринларидаги нажосат ва қон ораларидан чиқувчи, (лекин) ичувчилар учун иштаҳали тоза сутдан ичирурмиз. («Наҳл» сураси, 66-оят)**

Тананинг озикланиши учун керак бўладиган асосий материаллар ҳазм қилиш тизимидаги кимёвий

аникланган далиллар билан жуда ҳамоҳангдир. Шу нарса аниқки, сут эмизувчиларнинг ҳазм қилиш тизимлари ҳақида тўлиқ билим талаб қилувчи бундай маълумотни Қуръон нозил қилинган пайтда одамларнинг билиши даргумон эди.



## Сутнинг пайдо бўлиши...

ўзгаришлар натижасида содир бўлади. Ҳазм қилинган моддалар ичак деворлари орқали сўрилиб, қон оқимиға ўтади. Тана бўйлаб қоннинг айланиши туфайли озик моддалар тегишли аъзоларга етиб боради. Худди бошқа тана тўқималарига ўхшаб, сут безлари ҳам қон орқали олиб келинган озик моддалар билан таъминланади. Шу сабабли, қон овқатлардан озикларни йиғишда энг муҳим ролни ўйнайди. Мана шу барча босқичлардан сўнг сут безларидан сут ажралади ва унинг озукавий қиммати айниқса юқори бўлади.

Инсон ҳайвон қорнидаги на ярим ҳазм қилинган овқатни ва на ҳайвоннинг қонини тўғридан-тўғри истеъмол қила олади. Бундан ташқари, буларни ёки уларнинг бирор таркибий қисмини тўғридан-тўғри истеъмол қилиш қаттиқ касаллик, ҳаттоки ўлимга олиб бориши мумкин. Аллоҳ ўзи яратган ўта мураккаб биологик тизимлар шарофати билан бу суоқликлардан инсон учун тоза ва соғлом овқат пайдо бўлишини таъминлайди. Чунки у қон орқали олиб ўтилувчи ҳазм қилинган овқат натижасида пайдо бўлади. Юқори озиклантирувчилик хусусиятига эга бўлган сут шу тарзда қондан ишлаб чиқарилади. Бу қон ёки яримҳазм қилинган овқатнинг ўзини эса истеъмол қилиб бўлмайди.

Сут ҳосил бўлишининг ўзи яратилишдаги энг қатъий мўъжизадир. Шунга қарамай, сутнинг ҳосил бўлиши ҳақидаги бундай батафсил маълумотнинг Қуръонда қайд этилгани эса бошқа бир мўъжизадир. Кўриб турганимиздек, «Наҳл» сурасининг 66-оятда сутнинг биологик ҳосил бўлиши ҳақида берилган маълумот замонавий фан томонидан

**Мўъжизавий қоришиқ: «Она суги»**

هَتَلَمَحْ هَيْدَلْ اَوْب نَاسِنَ اِلَا اَنْ يَصَوُّوْ  
نَا نِي اِمَاعِ يَف دَلْ اَصْفَوْنَهُوْ وَاَلْع اَنْ هُوْ هَمُّ  
رِي صَمَلَا يَلَا كَيْدَلْ اَوَّلُوْ وَاِل رَكْشَا

**Биз инсонга ота-онасини (рози қилишни) буюрдик. Онаси уни заифлик устига заифлик билан (қорнида) кутариб юрди. Уни (қўқракдан) ажратдиш (муддати) икки йилда (битар). (Биз инсонга буюрдикки,) «Сен Менга ва ота-онанга шуқр қилгин! Қайтишлик Мининг хузуримадир!» («Луқмон» сураси, 14-оят)**

Фарзанд Аллоҳ берган улғ неъматдир. Ота-она бу неъматга шуқр қилишлари лозим. Шуқрнинг асосийси – фарзандни неъмат берувчи зот бўлмиш Аллоҳнинг розилигини қозонтирадиган қилиб тарбиялашдир. Тарбия эса эмизишдан бошланади. Бу ишда ҳар қандай сабаб ҳам узр бўла олмайди. Ота-онанинг келишмовчиликлари, ёки она нафсини жиловлай олмаслиги туфайли мурғак гўдак зарар топмаслиги, унга Аллоҳ берган ҳақ-ҳуқуқлар поймол қилинмаслиги керак. Гўдакнинг ҳақларидан бири ва оналарнинг энг мўътабар вазифаси фарзандини икки йил эмизишликдир. Янги туғилган гўдак жисми ва руҳининг ўсишига онасининг сугидан афзал озуқа йўқ. Боланинг суги онанинг суги билан шаклланади, шунингдек, унинг бошқа тарафлари, руҳий ривожланишига ҳам она суги зарур озуқа ҳисобланади. Ушбу озуқанинг муддати тўлиқ икки йил бўлиши керак. Бу ҳақиқатни эса бизга Қуръон ҳали ҳеч қандай илмий текшириш технология ва аппаратлари кашф қилинмасдан олдин, ярим ояти қарима билан баён қилиб бермоқда.

نِي لَوْح نَهْدَالْ وَا نَعَضْرِي بُتَادَلْ اَوَّلُوْ  
وَعَاَضْرَلَا مَتِي نَا دَارَا نَمَل نِي لَمَّا ك

**Оналар болаларини тўла икки йил эмиздилар. (Бу муддат) эмизишни камолга етказишни истовчилар учундир. («Бақара» сураси, 233-оят)**

Чақалокни икки ёшигача она суги билан эмизиш нақадар фойдали эканига ояти қаримада ҳам ишора этилмоқда. Ҳозирги техника ривожланган асримизда ушбу оятдаги мўъжиза илмий изланишлар орқали кашф қилинмоқда.

Онанинг суги Аллоҳ томонидан яратилган тенгсиз бирикма бўлиб, у боланинг озикланишига бўлган эҳтиёжини қондиради ва уни ҳар қандай инфекциялардан химоя қилади. Она сугидаги озикларнинг меъёри идеал даражада бўлиб, боланинг нозик танаси учун энг маъқул озуқа ҳисобланади.

Шу билан бирга, она суги мия ҳужайраларининг ўсишини ва асаб тизимининг ривожланишини тезлаштирадиган озуқаларга ҳам жуда бой. Бугунги кун технологияси билан гўдаклар учун тайёрланган сунъий овқатлар она сугидек мўъжизавий овқатнинг ўрнини боса олмайди.

Она сугининг бола учун аҳамиятли томонлари кун сайин кенг ва чуқур аниқланмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, она суги билан озикланадиган чақалоклар нафас йўллари ва ҳазм қилиш тизимларига оид инфекцияларга қарши алоҳида химояланган бўлади.

(Давоми келгуси сонда)

### “ERKIN YURT”

интернет-газетаси  
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий  
нашри  
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt  
Мухаррир: Замир Малик